# Наврўз байрамини муносиб кутиб оламиз

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳарбий қисм, бўлинма ва муассасаларда 2004 йил 10-11 март кунлари «Ўзбекистон халқлари урф-одатлари ва анъаналари. Наврўз— янгиланиш ва баҳор байрами» мавзусида Ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ташкил этилсин.

Шахсий таркиб билан «Наврўз — баҳор ва янгиланиш байрами», «Наврўз — халқимиз тарихий анъаналарининг тимсоли», «Миллий мустақиллик ва миллий қадриятларимизнинг тикланиши» мавзуларида тарихчи, файласуф, адабиётшунос олимлар иштирокида суҳбатлар уюштирилсин.

Ой давомида қисм ва муассасаларда аскарларнинг ота-оналари, чақириққача бўлган ёшлар, жамоатчилик вакиллари учун «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилсин. Улар шахсий таркиб ҳаёти, ҳарбий хизматнинг моддий-маиший томонлари билан яқиндан таништирилсинлар. Байрам арафасида ҳарбий қисмларга вилоятлардан ота-оналар ва жамоатчилик вакилларининг ташрифлари уюштирилсин.

15 мартгача ҳарбий қисм ва муассасалар ҳудудлари, гарнизонлар офицерлар уйлари, аскарлар клуби:

Наврўз байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Ассалом Наврўз — баҳор ва янгиланиш байрами!

Ватан ҳимоячилари! Наврўз айёмингиз муборак бўлсин!

Наврўз — тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик байрами!

Наврўз — меҳру оқибат, бахт-саодат ва тинчлик-тотувлик байрами!

Наврўз — юртимизга қадаминг қутлуғ келсин! каби шиорлар билан безатилсин.

Гарнизонлар, офицерлар уйлари, аскарлар клуби, кутубхона ва ижтимоий-сиёсий ахборот хоналарида «Наврўз» байрамига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилсин, деворий газеталар тайёрлансин.

Ҳарбий шаҳарчаларни ободонлаштириш ва байрам тадбирларига тайёрлаш учун 6 март куни Умумармия ҳашари ўтказилсин. 13—14 март кунлари умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этилсин.

Байрам куни «Наврўз»нинг тансиқ таомлари: сумалак, кўксомса, палов сингари миллий таомлар тайёрлансин. Оммавий сайллар ташкил этилсин. Ҳарбий госпиталларда даволанаётган ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий бурчни ўташ вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ташрифлар уюштирилсин.

Байрам тадбирларини кўтаринки руҳда кенг жамоатчилик иштирокида нишонланиши шахсий таркиб орасида миллий қадриятларимиз тикланишига, армия билан халқ бирлигини янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.**

---

● ЁШ ОФИЦЕРЛАР — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ

# ЮРТ ФАРЗАНДИ БЎЛСА БАС!

Оилада тўнғич фарзанднинг мавқеи, унга эътибор бўлакча бўлади. Шифокорлар оиласининг тўнғичи — Дониёрнинг ҳарбийликни танлаши, очиғи, ота-онага бироз эриш туюлди. Отаси Аҳмаджон ака ҳам, онаси Гулзира опа ҳам врач. Тўнғич фарзанд ҳам шу йўлдан борар, деган ният йўқ эмас-ди-да, уларда. Хуллас, туғтан жойини кесадиган хилидан бўлган Дониёр ниятига етмай қўймади. Уни илк бора ҳарбий либосда — курсантлик либосида кўрган ота «шифокорлик халатидан кўра ҳарбий кийим ўғлимга ярашар экан», деб қўйди ичида. «Ўғлим янада ўктамлашибди, янада кўркамлашибди», деди хаёлан она. Шу тарзда Дадабоевлар оиласида ҳарбий пайдо бўлди. Мустақил юрти ҳимоясига бел боғлаган, Ватанга садоқат, матонат билан хизмат қилишга шайланган ҳарбий. Бунинг устига фарзанди республикадаги энг нуфузли ҳарбий ўқув маскanlардан бири — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида таҳсил олаётгани ота-онани ғурурлантирди.

Ниҳоят, Дониёр 2003 йилда мазкур олий ҳарбий билим юртини тугаллаб, эгнига офицерлик либосини кийди. Содда она «мана ўғлим ўқишини битирди, офицер бўлди. Энди бағримизга келади. Вилоятимизда ҳарбий қисм, бўлинмалар бор. Шулардан бирида хизмат қилаверар», деб ўйлади. Аммо бир нарсани андак унутди. Ўғли энди Ватаннинг ҳам, эл-юртнинг ҳам фарзандига айланганини, уларнинг юкига елка тутишга чоғланганини хаёлидан кўтарилди. Лейтенант Дониёр Дадабоев Ватани, эл-юрти буюрган жойда офицер сифатида хизматини бошлади.

Наманганнинг Уйчи туманидан етишиб чиққан офицер бугун гуруҳ командири сифатида фаолиятини давом эттирмоқда. Шунчаки давом эттираётгани йўқ, олган билимлари, тажрибаларини қўл остидаги посбонларга ўргатиб келаяпти. Масалан, унинг посбонлари асосан қоровуллик хизматини ўташади. Аэродромни, у билан боғлиқ муҳим объектларни туну кун қўриқлашади. Аскарлар қоровуллик хизматига тушишидан олдин уларни пухта тайёрлашга ҳаракат қилади. Буни Низом талаблари асосида уч босқичда олиб боради, офицер. Нарядга киришишдан олдин постлар рақами бўйича қоровул шахсий таркибини танлайди. Навбатдаги босқичда қоровулга турадиган аскарлар билан қўриқланадиган объектлар макети бўйича машғулот ўтиб, соқчи мажбуриятлари, ҳаракатланиш йўналиши борасида маълумотлар беради. Сўнгги босқичда эса қоровулликка турадиган соқчининг вазифаси ҳақида амалий машғулот ўтади. Бунинг самараси бўй кўрсатаяпти, албатта. Бир неча бора қоровулларнинг ҳушёрлиги, сергаклиги, жанговар шайлиги текширилиб кўрилганда, «яхши» ва «аъло» баҳоларга муносиб топилди, гуруҳ командири.

— Қишки ўқув мавсумининг ортда қолган даврида кўзлаган натижаларга эришдик. Оддий аскар Элёр Тўхтасинов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ортиқ Қурбоновларнинг хизматларини таъкидлаб ўтишим мумкин. «Энг илғор мутахассис» танловида фаол иштирок этишни, ўз имкониятларимни кўрсатишни мақсад қилиб қўйганман, маълумки, бунда мен етакчилик қилаётган гуруҳнинг жанговар тайёргарликлардаги кўрсаткичлари ҳам инобатга олинади. Шу боис жамоам посбонларининг ютуқларга эришиши учун бор билимим, куч-ғайратимни сарфлаяпман, — деди лейтенант Дадабоев.

Дониёрнинг икки укаси бор. Улар ҳам ҳарбийликка, офицер акасига ҳавас билан қарашаётган экан. Балким келажакда бу ҳавас Дадабоевларнинг ҳарбий сулоласига асос солар. Ота-она эса «ким бўлишса ҳам, қайси касбни танлашса ҳам, эл корига ярасин, юрт фарзанди бўлсин», дея уларни дуо қилади.

**Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.**

---

## СЛУЖИТ ПРИМЕРОМ

В мотострелковой группе под командованием лейтенанта Шавката Абдуллаева пулеметчика рядового Анвара Солижонова по праву называют мастером меткого огня и стремятся следовать его примеру. Вот и на показных занятиях рядовой Солижонов продемонстрировал образцы снайперской стрельбы, умелого выбора огневой позиции, что в определенной степени обусловило успешное выполнение мотострелками поставленной задачи. По решению командира воин действовал на одном из самых важных направлений и полностью оправдал это доверие. На его участке не осталась непораженной ни одна мишень. На высоте оказались и его сослуживцы, за что во многом они и признательны Анвару. Ведь это он в ходе подготовки к стрельбе руководил их обучением на одной из учебных точек.

**Старший лейтенант
Муминжон ТУРАЕВ.**

---

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Онт ичишди содиқликка

Тошкент ҳарбий округи қўмондони генерал-майор Баҳодир Тошматов қасамёд қабул қилганларни самимий муборакбод этар экан, уларнинг доим ўз аҳдларига содиқ қолишларига, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, янада гуллаб-яшнаши йўлида муносиб ҳисса қўшишларига, ҳаёт мактаби бўлмиш армия ҳаётидан, қисқа муддат мобайнида бўлса-да, олган сабоқларини ҳеч қачон унутмасликларига ишонч билдирди. Шунингдек, сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳмонова, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлимининг раиси Муҳаммаджон Зуфаров, Қуролли Кучлар фахрийси, захирадаги генерал-майор Абдуҳаким Ортиқбоев, ота-оналар номидан сўзга чиққан Дилмурод Ризаевнинг онаси Муножат опалар ўзларининг эзгу тилакларини, дил сўзларини изҳор этишди. СЧР ойлик йиғини иштирокчиси Асқар Иномхўжаев командирларига, ҳарбий қисм раҳбариятига ўзи ва сафдош дўстлари номидан миннатдорчилик изҳор этди.

— Менимча ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани мудофаа ишлари бўлимидан чақирилган Миразиз Сафаров. — Чунки, интилиш, қизиқиш, асосийси эса ўз кучига, билимига қатъий ишонч бўлса, қисқа муддатда ҳам натижа қувонарли бўлади. Бунинг устига, қалбингизга йўл топа оладиган, тажрибали, билимдон устоз-офицер қўлига тушган бўлсангиз. Айнан шунинг учун гуруҳимиз командири катта лейтенант Сирожиддин Пардаевдан жуда миннатдорман. Ахир, ўтказилган жанговар, ўқ отиш, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик каби машғулотларни ўзлаштиримизда унинг ҳиссаси катта бўлди.

Тадбир ойлик йиғин иштирокчилари ҳамда меҳмонлар учун уюштирилган концерт дастури билан ниҳоясига етди.

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.**



**Авиация хизмати муҳандиси майор Шуҳратбек Мўминов ўз касбининг усталаридан. Тажрибали бу офицер ва унинг шогирдлари парвозлар хавфсизлигини таъмин этишда муҳим ўрин тутишади. Ана шундай фидойи, маҳоратли техниклар сабаб «пўлат қуш» лар панд бермайди.**

**Александр МРУЧАК суратга олган.**

---

● ВОЙСКОВАЯ СТАЖИРОВКА

# НА ПРИМЕРЕ ЛУЧШИХ

**Курсантам ТВОКУ, проходящим в эти дни войсковую стажировку, очень хочется пополнить багаж теоретических знаний ценным практическим опытом. Тем из них, кто попал в расположение воинской части под командованием офицера Илимдара Ильясова, очень повезло — они оказались в лучшей части войск Министерства обороны.**

— Здесь стажируются курсанты — будущие командиры, заместители командиров по воспитательной работе и разведчики, — рассказывает преподаватель цикла вождения кафедры устройства и эксплуатации бронетанковой и автомобильной техники ТВОКУ подполковник Фарход Абдувалиев. — Их распределили по батальонам, назначили приказом командира временно на должности командиров групп и заместителей командиров взводов по воспитательной работе. Отношение в части к ним хорошее. Здесь прекрасно понимают, что готовят смену, в том числе и сегодняшним лидерам, а потому заботу о курсантах воспринимают как нужное и важное дело, на что будущие офицеры отвечают старательным отношением к выполнению возложенных на них обязанностей.

— Я стажируюсь в минометной батарее, — говорит курсант Салохиддин Ахмедов. — Основной упор стремлюсь делать на индивидуальную работу с личным составом, ну а если что и не получается, рядом всегда опытные наставники-офицеры, готовые оказать посильную помощь.

— С утра с солдатами на физзарядке, днем пишем конспекты и проводим занятия, — включается в беседу курсант Хусан Тошпулатов. — Литературу нам выдают, оказывают методическую помощь. Все остальное зависит от нас.

— Я учусь на факультете разведки, но не жалею, что попал к мотострелкам,—делится впечатлениями сержант Байрам Каяев. — Порядок здесь налажен отличный.

Отрадно, что этим парням довелось стажироваться в части, ставшей победителем соревнования среди войск Министерства обороны по итогам 2003—2004 учебного года. Пример лучших всегда вдохновляет, зовет следовать за ним.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».**

● ФУТБОЛ ХАБАРЛАРИ

## МАСЛАҲАТЧИ МУРАББИЙ ЎЗГАРДИ

18 февраль куни футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун Ироқ терма жамоасига қарши кечган саралаш учрашувида 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган эди.



Маълумотларга қараганда, натижадан қониқмаган Ўзбекистон футбол федерацияси мутасаддилари терма жамоанинг маслаҳатчи мураббийи вазифасида ишлаб келаётган туркманистонлик Тожмурод Агамуродов ўрнига германиялик Юрген Гёдени тайинлаган. Европалик мутахассис ўтган йилнинг декабрида Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасида ҳам маслаҳатчи мураббий вазифасида ишлаган эди.

● МИНИ-ФУТБОЛ

## МУСОБАҚА ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Мини-футбол юртимизда жадал ривожланмоқда. Буни вилоятларда мини-футбол жамоалари сони кўпайиб бораётгани, миллий чемпионат ва Ўзбекистон кубоги мусобақалари аввалги йилларга нисбатан анча юқори савияда ташкил этилаётганидан билиш мумкин.

Ўзбекистон кубогининг бу йилги мусобақаси уч босқичда ташкил этилмоқда. Ўн олти жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда мусобақанинг иккинчи босқичида қатнашди. Турнир қоидасига биноан ўз гуруҳида дастлабки учта ўринни эгаллаган жамоалар учинчи босқичга йўлланма олди.

Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида ўтказилган «А» гуруҳи беллашувларида «Букинай» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Бу гуруҳдан «Строитель» ва «Нурфайз» ҳам кейинги босқичга чиқди.

«В» гуруҳи ўйинлари Қаршида ташкил этилди. Мазкур гуруҳда еттитадан очко жамғарган «Баркамол» ва «Нафис», шунингдек, тўрт очкога эга бўлган «Дўстлик» учинчи босқичда иштирок этади.

«С» гуруҳи вакилларига пойтахт мезбонлик қилди. Беш жамоа иштирок этган ушбу гуруҳдан «Пахтакор», «Жиззах-С» ва «Ардус» жамоалари кейинги босқичга чиқди.

Фарғонада ўтказилган «Д» гуруҳи беллашувларида аслида олтита жамоа иштирок этиши лозим эди. Бироқ улардан учтаси мусобақага келмади. Натижада гуруҳда ўн очко тўплаган «Соликчи», етти очкога эга «Зафар-17» ва барча учрашувларда мағлубиятга учраган «ФарПолитех» мамлакат кубоги учун беллашувларни давом эттирадиган бўлди.

Ўзбекистон кубогининг учунчи босқичида мазкур жамоалар икки гуруҳга бўлиниб куч синашади. Ўз гуруҳида дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоаларга ярим финалда қатнашиш ҳуқуқи берилади. Мусобақа ғолиблари 1-2 май кунлари аниқланади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

● ТЕЛЕАНОНС

## «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

**14 марта в 10 часов** по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

Этот выпуск посвящен боевой учебе воинов-узбекистанцев, оттачивающих на полигонах и в учебных классах секреты мастерства своих воинских профессий в ходе зимнего периода обучения. Также в этой передаче традиционно прозвучат и актуальные темы в постоянных рубриках, полюбившихся телезрителям.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 16 марта, в 16.55.

**Наш корр.**

### ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 24

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Мотокросс. 8. Инвентарь. 9. Диагональ. 10. Скотт. 11. Матадор. 12. Чабан. 13. Веялка. 16. Критик. 18. Перо. 19. Рябь. 22. Гарант. 24. Анабас. 28. Невод. 29. Кабачок. 30. Сарай. 31. Мешковина. 32. Аксессуар. 33. Макаревич.**

**ПО ВЕРТИКАЛИ: 2. Тюрбан. 3. Обиход. 4. Книксен. 5. Снеток. 6. Гончар. 7. Алфавит. 14. Люцерна. 15. Автомат. 16. Коррида. 17. Икебана. 20. Манекен. 21. Каракал. 23. Надзор. 25. Насест. 26. Парник. 27. Волков.**

## КРОССВОРД



**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 3. Женская сущность. 6. Вальс. 7. Для солдата это наказание. 10. Одно из имен, перечисленных А. Мироновым (киношн.). 11. Танец. 14. Половина брюк. 15. Она помогла Тесею выйти из лабиринта. 16. Ее нанимали в барские дома для сопровождения дам (устар.). 18. Царица богов. 21. Высшее призвание женщины. 26. Застывшая масса какао с сахаром. 27. Она из народности Северного Кавказа. 28. Возлюбленная Вакулы. 30. Крепкий напиток. 34. Певица. 35. Удлиненный подол. 36. Певица из Эстонии.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Жена монарха. 2. Женщина, брошенная за борт С. Разиным. 4. Стихотворная форма. 5. Подружка Кая (сказ.). 8. Атрибут праздника. 9. Героиня балета А. Хачатуряна. 12. Вуаль невесты. 13. Дорогой человек. 17. ... Кэмпбелл. 19. Его накрывают. 20. Электроприбор. 22. Ответственный этап в жизни женщины. 23. Возлюбленная Шурика (киношн.). 24. Пара для кота. 25. Морская хищница. 29. Персонаж из «Руслана и Людмилы». 31. Опера Шоссона. 32. Пистолет. 33. Головной убор.

**Составила З. ИСАКОВА.**

# АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН.** Внимание должно быть сконцентрировано на повседневных делах и мелких житейских проблемах. Сотрудничество с деловыми партнерами окажется взаимовыгодным и плодотворным. Сейчас благоприятный момент для выхода из сложившейся ситуации, он позволит продвинуться вперед к желанному замыслу. Необходимы осторожность и внимательность во всех делах. Никаких важных дел начинать не рекомендуется.

**ТЕЛЕЦ.** Любимая работа может стать источником жизненных сил. Отношения с коллегами по работе и начальством доброжелательны и гармоничны. Наилучших результатов достигните в том, к чему будет расположена душа. При мелких неудачах не отчаивайтесь и старайтесь добиться своей цели. Из-за самонадеянности рискуете загнать себя в угол. В выходные больше времени уделяйте отдыху.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Ваше дело потребует укрепления и расширения, иначе возможны проблемы с его дальнейшим развитием. Меньше говорите и внимательнее выслушивайте мнение окружающих людей. Новые знакомства помогут занять активную позицию в решении проблем. Неуверенность в собственных силах может спутать планы, постарайтесь до пятницы проанализировать свои ошибки. Незначительные трения с близкими в выходные легко преодолеть.

**РАК.** На работе вероятны перемены. Появится шанс профессионального роста. Возможны удачные поездки и командировки. Друзья или высокие покровители помогут воплотить в жизнь смелые начинания. Понедельник — благоприятный день для творчества и новых идей. Постарайтесь закончить старые дела и проекты.

**ЛЕВ.** Может быть поручена задача сложная и почетная. Действуйте сразу, не упуская драгоценного времени. Удача будет сопутствовать, ничто не помешает успешно завершить ранее начатое дело. Среда — благоприятный день для получения новой информации. Прислушивайтесь к советам, которые дают окружающие.

**ДЕВА.** Проявите настойчивость и активность в делах, и особенно — учении. Оно будет весьма успешно. Самоотверженность и бескорыстное служение близким людям дадут заряд положительных эмоций, сделают неуязвимым к влиянию внешних факторов. Этот период подходит для поиска новой работы и смены деятельности. В середине недели произойдут важные встречи и знакомства.

**ВЕСЫ.** Укрепятся новые деловые связи, упорство и профессионализм приведут к успеху. Любые переговоры обещают быть результативны. Сосредоточьтесь на работе и делах. Найдется время довести до конца важные проекты. Проблемы и задачи не будут решены окончательно. В выходные выкройте время для наведения идеальной чистоты и образцового порядка.

**СКОРПИОН.** Усилия желательно направить на сохранение равновесия с окружающим миром. Все зависит от самообладания и самодисциплины. Что-то неуловимое изменится в среду. Жить станет гораздо приятнее и спокойнее. Недоразумения быстро уладятся и не повлияют на благополучный исход дела.

**СТРЕЛЕЦ.** Благоприятный момент для осмысления и исправления ошибок. Небольшое путешествие пойдет на пользу. Неделя будет способствовать продвижению по службе. Среда сулит решение прежних проблем и появления новых перспектив. Старайтесь оставаться спокойным и уравновешенным при любых обстоятельствах. Воскресенье благоприятно для пребывания на природе.

**КОЗЕРОГ.** Судьба будет испытывать на прочность. Не обращайте внимания на сплетни и слухи. Не стоит бояться перемен, постарайтесь отрешиться от косности старых представлений, достигните существенных результатов. Оказавшись перед ответственным выбором проявите сдержанность и корректность в выражениях.

**ВОДОЛЕЙ.** Во всем находите положительные моменты. Рассчитывайте на собственные силы, не обольщайтесь по поводу коллег по работе. От них можно ждать мелких неприятностей. Неожиданное сообщение может застать врасплох или встревожить. В пылу сражений на работе не забывайте о близких людях, им необходимо ваше внимание и поддержка.

**РЫБЫ.** Может состояться переход к новому, более благоприятному жизненному циклу. С успехом будете решать чужие проблемы. Не стоит слепо доверяться мнению других людей, даже если они являются для вас авторитетом. К выходным приведите в порядок свою внешность, вероятны многообещающие знакомства.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУҚАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Кўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 073.